

# Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 10 январь • №1 (1282)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар (кейинги ўринларда – фармацевтика маҳсулотлари) муомаласи тизимини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, маҳаллий фармацевтика тармоғи аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантирмапти.

Хусусан, фармацевтика тармоғи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури бўйича иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг шундай тармоғидан орқада қолмоқда. Чунончи, ички бозорда маҳаллий дори воситаларининг улуши қийматда ифодалаганда 27 фоизни ва товар ҳажми бўйича ифодалаганда 45 фоизни ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда муваф-

фақятли қўлланилаётган нархни шакллантиришнинг шаффоф ва самарали механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам дори воситалари нархлари чегарадош мамлакатларга нисбатан Ўзбекистон Республикасида асоссиз ўсишига олиб келаяпти.

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларини, илмий-техник ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 июлдан бошлаб маҳаллий ва хорижий дори воситаларига нисбатан референт нарх шакллантириш тизими босқичма-босқич жорий этилади ва унда куйидагилар қўзда тутилади:

аҳоли жон бошига нисбатан даромад-

лар даражаси юқори, ўртачадан юқори-роқ ва ўртачадан пастроқ бўлган давлатлар гуруҳига кирувчи камида 10 та референт мамлакатларни танлаш;

дори шакли, қадокдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадокланишини ҳисобга олган ҳолда айни бир ишлаб чиқарувчининг худди шундай фаол моддага эга дори воситасининг ишлаб чиқарувчи мамлакатда, референт мамлакатларда ва Ўзбекистон Республикасида сотиш нархларини рўйхатдан ўтиш гувоҳномаси эгаси ёки унинг ишончли вакили томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилиши;

дори шакли, қадокдаги сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадокланишини ҳисобга олган ҳолда дори воситасининг ҳар бир савдо номи учун белгиланган энг юқори нархини қайд этиш. Бунда дори воситасини ушбу қийматдан юқори нархларда Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш (импорт дори воситалари учун) ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотилиши (маҳал-

лий дори воситалари учун) мумкин эмас;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) куйидагилар учун масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади:

дори воситасининг савдо номига референт нарх шакллантириш тизимини, шу жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари ва ташкилотларини ҳамда жамоатчиликни жалб қилган ҳолда мониторинг ва таҳлил қилиш;

дори воситасининг ҳар бир савдо номи нархларининг ундан юқори нархда Ўзбекистон Республикасига етказиб берилиши (импорт дори воситалари учун) ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сотилишига (маҳаллий дори воситалари учун) йўл қўйилмайдиган энг юқори чегарасини қайд этиш;

(Давоми 2-бетда).

## Эътироф

### «СТОМАТОЛОГИЯ»ДА ХАЛҚАРО ISO СЕРТИФИКАТИ



Пойтахтимизда ташкил этилган «Олий тиббий таълим тизимини Марказий Осийда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «ХАБ»га айлантиришга доир ислохотлар» мавзусида ўтказилган халқаро ўқув-услубий конференция очилишида Тошкент давлат стоматология институтига халқаро ISO сертификати топширилди.

– Юртимиздаги олий таълим муассасалари орасидан биринчилардан бўлиб институтизмнинг халқаро ISO сертификати эга бўлганидан жудаям мамнунмиз, – дейди Тошкент давлат стоматология институти ректори

Жасур Ризаев. – Бу таълим жараёни халқаро стандартларга мос равишда давом этаётгани, халқаро рейтингларга кириш имкониятимиз ошиб, институтизмиз нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам ўз рейтингига эга бўлишини аңглатади. Умуман олганда олий ўқув юртимиз кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда. Жумладан, ўтган йилда институтизмизда «Стоматология Юга-2019» халқаро олимпиадаси ўтказилди ва унда талабаларимиз энг юқори ўринларни эгаллади. Шунингдек, муассасамиз Халқаро стоматологлар федерацияси, Европа кариесология ассоциацияси, Халқаро тиббиёт талабалари уюшмалари Федерацияси, Америка ринологлар жамияти ҳамда Япония жарроҳлар уюшмасининг тўлақонли аъзоси бўлди.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, Тошкент давлат стоматология институти қисқа давр мобайнида қатор ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб факультетларнинг барча курсларида айрим мутахассислик фанларини инглиз тилида ўқитиш йўлга қўйилди. Бундай замонавий имкониятлар малакали кадрлар тайёрлаш, стоматология соҳасида жаҳон тиббиётининг илгор тажрибаларини кенг жорий этиш, халқимизга

кўрсатилаётган стоматологик хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлмоқда. Бундан ташқари, ўқитувчиларимиз ва талабаларимизнинг хорижда малака ошириб келишлари, чет эл олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг келиб талабаларга маҳорат дарслари ўтишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Институтда халқаро қўшма икки дипломли таълим дастурлари сони бакалавр босқичида 4 та, магистратурада 9 та, клиник ординатура йўналиши бўйича 3 тага етди.

Ушбу савий-ҳаракатлар эса таълим сифати ва малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Жумладан, Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан тузилган рейтингда Тошкент давлат стоматология институти юртимиз олий ўқув юртлари орасида 8-ўринни эгаллаб, тиббиёт олий таълим муассасалари орасида энг юқори натижани қўлга киритгани ҳам институтда олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.







## Признание

## ЛЕЧИТЬ, СОПЕРЕЖИВАТЬ И СОЧУВСТВОВАТЬ

Еще в эпоху античности медицина доказала, что от правильной работы желудочно-кишечного тракта во многом зависит здоровье человеческого организма. Ибо питание – это сложный процесс, в котором пищеварительная система осуществляет активное взаимодействие с нервной и иммунной системой, поджелудочной железой, печенью, микрофлорой кишечника. Заодно оно является фактором риска или профилактики определенных заболеваний и напрямую связано с работой желудочно-кишечного тракта, изучению которого посвящен столь важный раздел медицины, как гастроэнтерология.



организма, общеклинических анализов, биохимических исследований. И наконец, первоочередная роль отводится квалификации и опыту врача-гастроэнтеролога, готового не жалея сил, днём и ночью, честно и преданно трудиться ради сохранения жизни и здоровья пациентов. К категории таких пациентов относятся врачи с 45-летним стажем, гастроэнтеролог ООО "Vega Med House" Яшнабадского района столицы Людмила Ивановна Молокова. Эта скромная, отзывчивая, чуткая и внимательная женщина оказывает высококвалифицированную медико-консультативную помощь больным, жалующимся на дискомфорт, вздутие, переполнение или боли в животе.

Проведенный учеными республики анализ последствий кишечных инфекций (хронический инфекционный энтероколит, вторичная ферментативная недостаточность, дисбактериозы, дискинезии кишечника и желчевыводящих путей), вирусных гепатитов, хронических холециститов и желчекаменных болезней в лишний раз доказывает, что гастроэнтерология и по сей день остаётся одной из самых востребованных специальностей. Здесь крайне важны рациональный подход к лечению и профилактике, точность поставленного диагноза на основе комплексного обследования биологических сред

осложнённым дисбактериозом, гастритом.

– Патология органов пищеварительной системы нередко встречается в современном мире, – рассказывает она. – Глубоко осознавая этот факт, тщательно изучаю заключения УЗИ, результаты анализов. Главное, стараюсь понять особенности и нарушения в процессе пищеварения конкретного пациента.

Нередко заболевания ЖКТ могут сопровождаться снижением аппетита, потерей массы тела, повышенной утомляемостью, снижением работоспособности и другими симптомами. В подобных случаях требуется проведение углубленного эндоскопического исследования с детальным осмотром слизистой оболочки желудка (эзофагогастродуоденоскопия) и кишечника (колоноскопия).

Назначаемое гастроэнтерологом лечение может включать в себя приём медикаментов, внутривенные инфузии, инъекции препаратов внутримышечно. Гастроэнтеролог рекомендует соблюдать необходимую диету, подсказывает, какие продукты следует исключить, а какие добавить в рацион. Наблюдая за работой Людмилы Молоковой, еще раз убеждаешься в правдивости слов великого врача Гиппократ: «Медицина – поистине самое благородное занятие из всех наук и искусств». В них полностью отражена суть этой нелегкой и вместе с тем славной профессии.

Людмила Ивановна родилась в 1949 году в Украине. С самого детства мечтала стать врачом. После окончания с отличием лечебного факультета

Горьковского (теперь Нижний Новгород) медицинского института работала в Центральной районной больнице украинского города Кнотоп, лечила детей в Германии, России и Туркменистане. Позже вместе с супругом, офицером военно-медицинской службы Евгением Егоровичем была направлена в Узбекистан. Здесь «волшебники в белых халатах» вернули радость жизни тысячам наших соотечественников, успешно воспитали сына и дочь Наталью, которая в настоящее время работает педиатром вместе со своей матерью. Многие годы Людмила Молокова добросовестно выполняла свои обязанности в детской больнице № 5 города Ташкента. Около четверти века передавала богатый опыт и знания молодежи на кафедре педиатрии Ташкентского педиатрического медицинского института. Успешно защитила кандидатскую диссертацию. В настоящее время она работает главным специалистом ООО "Vega Med House" Яшнабадского района столицы. Только за последние три года опытный гастроэнтеролог обследовала более 19 тысяч пациентов. Практически все они успешно прошли курс лечения, избавившись от недуга. Людмила Ивановна регулярно участвует в республиканских и международных семинарах и конференциях гастроэнтерологов и гепатологов, отстаивает свою точку зрения, выдвигает новые идеи и инициативы. Милосердная женщина

всегда рада оказать на безвозмездной основе качественную консультативную услугу малообеспеченным, одиноким престарелым и инвалидам. В свободное от работы время добросердечная и заботливая бабушка занимается воспитанием троих внуков.

Родина по достоинству оценила многолетний и плодотворный труд опытного медика, направленный на развитие отечественной системы здравоохранения, широкое внедрение в практику современных методов лечения и передового зарубежного опыта, достойный вклад в повышение качества медицинских услуг, обеспечение надежной защиты здоровья населения, популяризацию здорового образа жизни в обществе, за большие заслуги в воспитании молодежи в духе патриотизма, уважения к национальным и общечеловеческим ценностям и подготовке специалистов, обладающих глубокими профессиональными знаниями и навыками, а также активное участие в общественной жизни.

На основании Указа Президента страны от 28 августа 2019 года «О награждении в связи с 28-летием государственной независимости Республики Узбекистан группы работников сфер науки, образования, здравоохранения, литературы, культуры и искусства» Людмила Молокова награждена орденом «Дустилик».

Сегодня она искренне благодарит главу нашего государства за заботу и внимание о ветеранах и пенсионерах, продолжающих передавать опыт молодежи, вносящих вклад в процветание Родины.

Хамидулло УБАЙДУЛЛАЕВ.  
Фото автора.

## Тошкент фармацевтика институтини

## ЎЗИНИ – ЎЗИ МОЛИАЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, улarga бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишда кўпроқ имкониятлар яратиш, олий таълимдаги ислохотлар самарадорлигини ва таълим сифатини янада ошириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга замонавий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 5635-сонли Фармони ижроси бўйича Тошкент фармацевтика институтини ўз ўзини молиялаштириш тизимига

Бу тизимга ўтиш меъзолари сифатида институтнинг илмий педагогика салоҳияти юқорилиги, молиявий фаолиятининг барқарорлиги, моддий-техника базаси етарли даражадалиги, таълим хизматлари бозорида фармацевтика бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилигини инобатга олинган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ушбу тизим бизга нима беради?

Биринчидан, институт харажатларини ўзи қоплаши, маблағларни тақсимлашда мустақил бўлишига, яъни ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш олади ва бу ўз навбатида таълим сифатини оширишга ёрдам беради. Аммо таълим сифатини ўқитувчилар ойлик машинаси ошириш билангина яхшилаш қийин масала. Ҳозирги кунда халқаро стандартларга жавоб бериш учун инглиз тилини профессор ўқитувчилар муқаммал билишлари керак, чунки илгор технологиялар, таълим тизими ресурслари инглиз тилида нашр қилинмоқда. Шунинг учун маблағларнинг бир қисmini хорижий малака ошириш, стажиров-

калар, магистратура, докторантураларда тахсил олишлари учун йўналтириш имконияти бўлади. Иккинчи томондан маблағларни мустақил равишда тақсимлаш, ўқитувчилар иш ҳақини ошириш ҳуқуқига эга бўлиш, уларнинг коррумпцияга бўлган интилиши анча камаяди. Институтга молиявий мустақиллик бериш, турдош таълим муассасалари ўртасида рақобатни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини яхшилаши, янги йўналишлар очилиши, тадқиқотларни ривожлантириш каби ижобий ўзгаришларга олиб келади. **Жумладан:**

– корхоналар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳамкорликка интилишининг ошиши, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси ўсиб боришига имконият яратати;

– иш берувчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашни кўпайтириш, самарасиз, кераксиз, иш жойлари йўқ йўналишларни мустақил равишда беркитиш ёки уларни квоталарини кескин камайтириш;

– талабаларнинг шартнома пули, юқори малакали мутахассисларни

жалб қилиш мақсадида устама ҳақлар ва бошқа моддий рағбатлантириш турлари миқдорини мустақил равишда белгилаш;

– иқтидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

– институт моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланмадан лаборатория материалларини (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шу жумладан китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари харид қилиш ва чоп эттириш учун маблағларни мустақил сарфлаш;

– институт инфратузилмасига сервис хизматлари кўрсатишининг алоҳида турлари, жумладан бино ва иншоотлар, талабалар турар жойлари, спорт объектларидан фойдаланиш, уларни тозалаш, таъмирлаш, компьютер техникаси ва телекоммуникация тармоқларини сақлаш ва юридик хизматлар кўрсатишни аутсорсинг шартларида ташкил этиш;

– тегишли соҳадаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

– Республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга истиқболли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага юбориш;

– профессор-ўқитувчилар ўрта-

сида (1 йиллик) муддатли шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш. Бунда ҳар бир педагог ўз устида ишлашга мажбур бўлади.

Молиялаштириш тизимига институт васийлий кенгаши юқорида айтиб ўтилган барча ишларда бошқарув ва назорат ваколатларига эга бўлади.

Институт даромадларининг манбалари – тўлов-шартнома асосида ўқитиш, пулли курслар, тadbиркорлик, ижара, хизмат кўрсатиш, ҳомийлик каби шакллардан иборат. Бунда эътиборни экстенсив (биноларни ижарага бериш, таълим хизматлари учун тўлов) ва интенсив (инновацион фаолиятдан, интеллектуал мулк ҳуқуқларини сотишдан, халқаро лойиҳалар, мамлакатимизнинг грант танловларида иштирок этишни кенгайтириш орқали даромадларини ошириш) омилларга қаратилган. Шунини таъкидлаш кераки, институт моддий-техник базасини такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқарув тизимига қўшимча маблағлар топишда контракт тўловларининг ортиши ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилмаган.

Институтимизда қўшимча даромад олиш мақсадида куйдаги ишлар амалга оширилмоқда:

Биз олий таълим тизимини ҳар қандай мафқурадан ҳоли қилишимиз, уни прагматик, талабалар ва халқимиз учун керакли ва фойдали тизимга айлантиришимиз учун Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан тўлақоли фойдаланишда бор куч-ғайратимизни, билим ва тажрибаларимизни аямасдан хизмат қиламиз.

Иброҳим АЛИМЖАНОВ,  
Тошкент фармацевтика институтини ректори.

## Орамиздаги одамлар

## ТИНИМСИЗ МЕХНАТНИНГ МАҲСУЛИ БУ БАХТ

Инсон қалби машаққатли меҳнатда тобланади. Бу меҳнат узоқ йиллар давомида инсон мартабасини улғулаши баробарида, унга эл орасида обрў-эътибор, ҳурмат қозонишига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Турли шароитлардаги 54 йиллик меҳнат фаолияти «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони соҳиби Файзулла Юнусович Юсуповга ана шундай эътироф бағишлади. Бунинг учун не-не заҳматли йиллар, йўллар босиб ўтилмади, дейсиз. Қаҳрамонимиз эса ҳар қадамда, ҳар синолда тобланаверди. Касбга бўлган меҳри, садоқати ва шижоати унинг умр йўлларини ибратга айлантди...

1962 йил... Талабаларнинг айна гуллаган вақти. Шу йилги қиш кучли совуқ оқими билан кириб келди. Аҳоли орасида грипп эпидемияси ниҳоятда кенг тарқалган, шифокорлар эса етишмас эди.

Табиики, бу жараён Тошкент тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)да таҳсил олаётган талабалар, жумладан, Файзулла Юсуповнинг касб фаолиятини бошлаши ва унинг кейинги босқичларига сезиларли даражада таъсир ўтказди. Ушбу воқеаларни «Кечагидек эсимда шифокорларнинг етишмаслиги ва ёш, боз устига ишга чанқоқлигимиз туфайли ҳали институтни тамомламасдан ҳам иш киришдик. Йиллик маошимиз қанча, иш вақтимиз қандай бўлади? Бунга қизиқмадик ҳам. Даставвал, аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган амбулатория хизматида фаолият юритдим. Биласиз-



Файзулла ЮСУПОВ,  
«Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони соҳиби:

— Фаолиятининг дастлабки йиллари 1966 йил 26 апрелдаги

Табиики, уларга ҳам тиббий хизмат кўрсатилиши лозим эди. Бироқ, ҳудудда ҳеч қандай даволаш-профилактика муассасаси бўлмаган. Бор йўғи 12 хонадан иборат тахта уй, 3 нафар ходим, яъни ҳамшира, фельдшер ва 1 нафар шифокор бор эди ҳолос. Улар билан биргаликда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ҳудуд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Шу

« Фаолиятим давомидаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чикмайди. У пайтлар рус тизими таъсирида ўзбек тилидан фойдаланиш чегараланган эди. Бироқ, қатъиятим ва бор имкониятимни муолажа хоналарининг барчасига рус тили қаторида ўзбек тили иловасини ҳам киритиш учун сафарбар қилдим. Натижа учун 6 ой курашишга тўғри келди. Аммо барибир мақсадимга эришдим. »

билан бир вақтнинг ўзида асосий поликлиникани ташкил қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Аммо бу осон кечмади. Боиси, 35 минг аҳолига хизмат қўрашишга мўлжалланган шифо масканини тиббиёт усуналари билан жиҳозлашнинг ўзи мушкул иш эди. Бунинг учун бир йил вақт талаб этилди. Ниҳоят, 1969 йилнинг 30 декабрида янги поликлиникани ишга туширишга муваффақ бўлдик. Амалга оширган ишларимиз муваффақиятли баҳоланди. Яратилган шарт-шароитлар намуна даражасида эътироф этилди. Шу зайл ҳар сафар фаолиятим билан боғлиқ хотираларни ёдга олар эканман, касбим билан халқимиз саломатлигини таъминлашга озгина бўлса-да, ҳисса қўшганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Касб завқи, умр мазмуни ҳам шу назаримда.



## Мутахассис фикри:

Файзулла ака бугунги тиббиёт тизими хусусида тўхталар экан, аввало, давлатимиз томонидан соҳа тараққиётига қаратилаётган эътиборни алоҳида эътироф этди. Жумладан, бугунги шароит ва имкониятларни кечаги кунга мутлақо солиштириб бўлмаслигини таъкидлади. Шунингдек, аҳоли саломатлигини таъминлаш бу умумий масала, бунинг учун биринчи навбатда халқимизнинг тиббий маданияти юксалиши лозим эканлигини айтиб ўтди. «Яна бир жиҳат, тажрибали мутахассислар мактаби. Соҳа тараққиётида бу жуда муҳим. Сабаби, шифокорнинг иши тўғай бориб, 2 та ашула айтиб, зардуз тўн кийиб келиш эмас. У бир бемор тақдирини ҳал қилиши мумкин. Бунга касб мутахассислари яхши билишади. Айтиш шунки ҳам тажрибани бойитиш керак. Тиббиёт бир жойда туриб қолмайди. Соҳа тараққиётига доимий изланиш билан эришилади», дея фикр билдирди.

## ЮРГАН ДАРЁ ДЕЙДИЛАР, ЗЕРО...

Файзулла Юнусович Юсупов фаолияти давомида 1-сонли шаҳар килиник шифохонасида ординатор, ортопедия-травматология диспансерида травматолог, Чилонзор туман соғлиқни сақлаш ташкилий ишлар бўлими бошлиғи, 18-сонли оилавий поликлиника бош шифокори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бешкармаси бўлим бошлиғи, 6-сонли поликлиника бош шифокори, Чилонзор тумани соғлиқни сақлаш бўлим мудир, 4-болалар санаторийси бош шифокори, 4-сонли поликлиника бош шифокори, собиқ Акмал Икромов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош терапевти, Учтепа тумани 6-сонли (ҳозирги 22-сонли) поликлиника бош шифокори муовини ҳамда мазкур тиббиёт муассасасида бўлим бошлиғи лавозимларида халқимиз саломатлигини асраш йўлида фидокорона хизмат кўрсатган.

## Шогирд ва ҳамкасблар эътирофи

## Дилфуза ШОКИРОВА,

## 14-сонли поликлиника мутахассиси:

— Иш фаолиятимни 1993 йилда 14-сонли поликлиникада бошлаганман. Интернатурани ўтаётган жараёнимда кўшимча иш сифатида мурожаат қилганимда, бу истагимни яхши қаршилаганлар. Шундан айна пайтгача ишлаб келмоқдаман. Файзулла Юнусович билан бирга ишлаган кезларни жуда яхши хотирлайман. У киши, аввало, ишга талабчан, самимий ва қўл остидаги ходимларга касб сирларини кунт билан ўргатишга ҳаракат қилар эди. Бевосита мен билан ҳам шундай бўлган. Хусусан, ҳужжатларни юритишда тартибни жуда қаттиқ назоратга оларди. Ҳам раҳбар, ҳам инсон сифатидаги олижаноб характерларидан яна бири, жаммоа аъзоларининг ҳар бири билан нафақат иш фаолияти юзасидан, балки ҳаёт ва турмуш шароитимиз билан ҳам қизиқиб турарди. Зарур бўлса ёрдамни аямас эдилар.

Маҳбуба ТУРДИЕВА,  
14-сонли оилавий  
поликлиника касаб  
уюшмаси раиси:

— Ёш кадрларга алоҳида эътибор билан қарар эдилар. Қолаверса, биз ёшларга ибрат бўладиган жиҳатлари ҳам талайгина. Айнқса, фаолият давомида талаб этиладиган ҳужжатлар билан ишлаш, беморларга ширинсуханлик билан муомала қилиш, касб одобини унутмаслик ҳақда зарурий тушунчаларни айнан Файзулла Юсуповдан ўрганганман. Бир сафар жамонинг кенгайтирилган йилгилишида кутилмаганда менинг номзодимни касаб уюшмаси раислигига таклиф қилди. Бир овоздан маъқуллади. Яна бир сафар шаҳар соғлиқни сақлаш бошкармаси вакилларига ҳисобот топириш учун ҳам менга ишонч билдир-

ган. Кейинги тажрибаларимдан англадимки, бу ёш кадрларнинг ўзига ишончини оширишда ниҳоятда муҳим омил экан. Фаолиятим давомида 6 та раҳбар билан бирга ишладим, барчаси уюшма доирасидаги масалаларга эътироз билдиргани йўқ. Бу эса Файзулла Юнусовичнинг танлови эди. Демак, кадрлар билан ишлаш борасида ҳам ўзига хос тажрибага эга бўлганлар. Тажриба барибир ўз сўзини айтиди-да. Барчаси учун устозга чексиз миннатдорлик бидирамиз.

## Замира ХАЛИЛОВА,

14-сонли оилавий поликлиника бўлим бошлиғи,  
«Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:

— Фаолиятим давомида қандай муваффақиятга эришган бўлсам, уларда, албатта, Файзулла Юсуповнинг хиссаси бор. Илк бор ишга келганимда бош шифокор лавозимида фаолият юритар эди. Ўша пайтлар соғлигимда бир оз муаммо бўлишига қарамасдан бу жиҳатдан ҳам ёрдам бериб, ўсмирлар шифокори сифатида ишга қабул қилганлар. Мен бу инсондан, энг аввало, одамийликни ўргандим. Фаолиятимни амалиёт борасида бошлангич қисмдан бошлаганим учун булар жуда муҳим эди. Бунга қарангки, шундай устоз билан 20 йил биргаликда фаолият юритиш насиб этибди. Устоз босиб ўтган йул биз — шогирдлари учун ибрат мактабидир.


Файзулла ака Юсупов турмуш ўртоғи Мавжуда ая билан бир нафар ўғил фарзандни вояга етказди. Бугунги кунда 5 нафар набира ҳамда 3 нафар эваранинг суюкли бобожониси. Сўз сўнгиде яна бир бор фикримиз аввалига мурожаат қиламиз. Инсон қалби чиндан ҳам машаққатли меҳнатда тобланади. Бундай қалб соҳиблари эса ўзи учун ҳар қадамда бахт кашф этади. Бу бахтки, касб завқи ва яшаш шавқидан иборатдир.

ҲАСАН АБДУҒАНИЕВ.



ми, ушбу жараён кўпгина тенгдошларим қатори менга ҳам жуда қўл келди. Негаки, касб масъулияти ва фаолиятимга нисбатан ишонч ҳиссини айна шу пайтда ўзлаштирдим», дея хотирлайди қаҳрамонимиз.

ўша машум Тошкент зилзиласи ҳодисалари билан кечди. Ва у фаолиятимни тамоман ўзгартириб юборди. Кадрлар етишмаслиги ва ёш ишчи кучидан унумли фойдаланиш мақсадида мени Чилонзор тумани ташкилий ишлар



Ислохотлар измида соҳанинг у йўналишидан бу йўналишига ўтказилаверган Файзулла Юсуповнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги расман фаолияти Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонасининг ортопедия-травматология бўлимидан бошланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бўлим алоҳида диспансер сифатида фаолият бошлагач, у ерда устозларидан касбнинг муҳим сирларини ўзлаштиришга эришди.

бўлимига раҳбар қилиб тайинланди. Асосий фаолиятимиз қурувчилар ҳамда ўйсиз қолган одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш эди. Шароит жуда оғир, иш вақти ҳам бир маҳалгача давом этарди. Аммо бу ердаги фаолиятим ҳам кўпга чўзилмади. Натижада, воқеалар ривожи Ҳамза (ҳозирги Яшнобод) тумани Янги обод массивида давом этди. Чунки бу ерга бошлансиз қолган 30 минг аҳоли кўчириб ўтказилди.

# БУЮК АЛЛОМАНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МЕРОСИ

**Буюк алломалар меросини ўрганиш, асраш ва бойитиш Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бунинг яққол исботини Ибн Сино жамоат фонди фаолияти мисолида кўриш мумкин. У нафақат мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам турли илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиб келмоқда. Ушбу муассасанинг кенг қамровли ва самарали фаолияти ҳақида Ибн Сино жамоат фонди бошқарув раиси Нозимхон Анварович МАХМУДОВ билан суҳбатда бўлдик.**

биргаликда хайрия тadbирлари ўтказилди. Жумладан, ҳамкорлик битими асосида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мутахассислари (психиатр, невропатолог, офтальмолог, терапевт, гинеколог, ортопед, стоматолог, ЛОР, уролог, кардиолог, травматолог, эндокринолог, ЭКГ ва УЗИ мутахассислари) томонидан март ва но-

ри юқорида айтиб ўтилган анжуман қатнашчилари, ва Ўзбекистон Ешлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига кейинчалик республиканинг барча ёшларига етказиш ва тақдимотлар ўтказиш мақсадида бепул тарқатилди. Лойиха доирасида Ўзбекистон миллий телерадиокомпания журналист ва мутахас-

сислари билан биргаликда махсус Абу Али ибн Синога бағишланган бир неча теле ва радио кўрсатувлар ташкиллаштирилди. Фонд илмий гуруҳи томонидан газета ва журналларда илмий ва оммабоп мақолалар чоп этилди, шунингдек, телеканалларда телекўрсатувлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

– Нозимхон Анварович, аввало, Ибн Сино жамоат фондининг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ҳусусан, унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислохотида фаол иштирок этиш мақсадида 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида Ибн Сино жамоат фонди ташкил этилган. Фондининг асосий вазифалари, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни тезлаштиришга кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш тизимини тузилиш жиҳатидан қайта қуришда, тиббий-ижтимоий хайрия ташкилотларини, нурунийлар учун геронтология (гериатрия) марказларини очиб ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини (халқ табобатини) ривожлантириш бориш; Абу Али ибн Синонинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ишларини ташкил этиш, мактаблар ва олий ўқув юрталари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, буюк олим асарларини тартибга солиш ва уларни нашр этишга кўмаклашиш, Ибн Сино кутубхонасини очиб, буюк олим асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китоблар, рисола, журнал нашр этиш, телевидение ва радиода доимий ишлаб турайдиган дастурлар очиб. Шунингдек, Ибн Сино музейини барпо этиш, унинг тиббий ва илмий-амалий меросига оид тадқиқотлар олиб боришга, алломанинг фандаги мактабларини ўрганишга кўмаклашиш, ҳусусан, олимларнинг бу борадаги илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш. Бунинг баробарида тиббиёт ва дорихоналик соҳасидаги энг яхши ишлар учун Ибн Сино номидаги мукофот таъсис этиш ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чет эл олимлари билан алоқалар ўрнатиш, Ибн Синонинг илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ўтказиш; мамлакатнинг барча вилоятларида ва хорижий ўлкаларда Жамғарма бўлинмаларини ташкил этиш, буюк ватандошимиз таваллуд топган жой - Бухоро шаҳрида ҳар йили Ибн Сино халқаро ўқишларини ўтказиб туриш.

– Эътирофли шундаки, буюк аллома Ибн Сино тиббиёт илмининг асосчисидир. Шундай экан, тарихий шахсининг кенг қиррали фаолиятларига тўхталсангиз?

– Ибн Сино илм учун яшган феноменал шахс бўлган. Олимлар, мутахассислар замо-



навий тиббиёт анжомлар ва усқуналардан фойдаланиб оцаётган кашфиётлар Ибн Сино томонидан бир неча юз йил олдин ўрганилган эди. Аллома касалликлар кўзгатувчи сув ва ҳаво орқали юқадиган кўринмас зарралар ҳақидаги гипотезани илгари сурди. Бундай қарорга Х асрда келиш учун ўрганилаётган предметни синчковлик билан ўрганиш зарур бўлган. Кейинчалик Хоразмда Маъмун академиясини бошқарган. Абу Райхон Беруний билан ҳамкорликни мустаҳкамлаши икки буюк зотни ягона мақсад сари, яъни илм-фан ва Ватан рагнақи йўлида бирлашигига туртки бўлди. Кўриб турганимиздек, Ибн Синонинг дунё цивилизацияси ҳазинасига қўшган ҳисса беқиёс катта. Бир кун келиб ёшларимиз йирик олим бечна кашфиётларга унинг номи берилишига эришишларини хоҳлардим. Ахир қанчадан-қанча кашфиётлар муаллифлар номи билан аталади. Ўқув даргоҳлардаги турли маънавий-маърифий, илмий-оммабоп тadbирлар давомида ўсиб келаётган авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, тарихий хотирани эъзозлаш, ўз юртидан, томиларида қони оқаётган аждоқлардан фахрлиниб яшамоқчи бўлишга йўналтирилган ишлар олиб боришга қўмақдамиз. Фонд фаолиятида бу бирламчи масала.

– Албатта бундай қимматли ҳазиналарни мерос қилиб қолдирган ва бутун дунё тан олган олимнинг ҳаёт ва фаолиятларини қанчалик тарғиб этсақда, озлик қилади. Бу борадаги тadbирларга эътибор қаратсангиз?

– Улардан 2019 йилдаги тadbирларга тўхталиб ўтмоқчиман. 2019 йил 25 апрель ойда Тошкент фармацевтика институти билан ҳамкорлик битими асосида "Абу Али ибн Сино ва замонавий фармацевтикада инновациялар" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда нафақат тиббиёт ва фармацевтика мутахассислари, балки шарқшунос экспертлар ҳам қатнашиб қўлёзмалар асосида Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва Ар-Розийлар мероси ва фармацевтика қўшган ҳиссалари тўғрисида маърузалар тайёрланди ва мақолалар чоп этилди. Бундан ташқари, Халқаро ноғиронлар кўнига бағишланган Фонд ва ҳамкорлар билан

ябрь ойларида бир ҳафта давомида Тошкент шаҳар Яшнаобод туманидаги 52-сонли болалар ихтисослашган мактаб ўқувчиларидан 195 нафар бола беғараз тиббий кўриқдан ўтказилди. Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида бошқа Фондимиз ҳамкори – Ўзбекистон давлат тарихи музейига 3 кун давомида болалар ташри-



си слари билан биргаликда махсус Абу Али ибн Синога бағишланган бир неча теле ва радио кўрсатувлар ташкиллаштирилди. Фонд илмий гуруҳи томонидан газета ва журналларда илмий ва оммабоп мақолалар чоп этилди, шунингдек, телеканалларда телекўрсатувлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

маъруза эшитилди. Анжуманда Озарбайжон, Бангладеш, Германия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ҳиндистон, Тожикистон давлатларидан олим-мутахассислар қатнашди. Исроил давлатидан Халқаро Ибн Сино фонди Президентини профессор Михаэль Сач ва Ҳиндистондан Ибн Сино Академияси Президенти профессор Змиллур Саид Раҳманлар қатнашиши ва уларга Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти фахрий профессори унвонлари тақдим этилди. Ибн Сино жамоат фонди ва Фонд илмий маслаҳатчиси доцент Усмонхўжаев Абдуқарим халқаро Ибн Сино мукофоти билан тақдирланди. 2019 йил доирасида Туркия, Ҳиндистон ва Хитой олим ва мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, учрашувлар ўтказилди. Утган йилда Ибн Сино жамоат фонди Блумберг халқаро хайрия ташкилотининг "Тамаксиз ҳаёт" халқаро лойихаси соҳиби бўлди. Айни кунда ушбу лойиха доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тамаки маҳсулотларини зарари ва чекишга қарши меъёрий ҳужжатлар тайёрланмоқда.

– Келгусизда режалар ҳусусида тўхталсангиз?

– 2020 йилда биринчи Ибн Синошунос олимлар ва мутахассислар Жаҳон Конгресси, Ўзбек-Турк илмий-амалий Форуми ва халқаро фармацевтика илмий-амалий анжуманига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда Фонд қанда халқ табобати марказини очиб масалалари кўриб чиқилмоқда ва Абу Али ибн Сино бобомиз таваллудининг 1040 йиллигини нишонлаш кўзда тутилган. Кўриб турганимиздек, амалга оширилиши керак бўлган ишлар жуда кўп. Лекин уларни рўёбга чиқариш бизнинг қўлимиздан келади, чунки барча ташаббусларимиз ва дадил қарорларимиз давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари, бир қатор тadbирлар ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларида режалаштирилган.



фини бепул ташкиллаштирдик. 2018 йилда Ибн Сино жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуриндаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқоралик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг лойихалар танловига "Абу Али Ибн Сино донолиги" ўсиб келаётган авлодга намуна" мавзусидаги, шунингдек, 2019 йил "Жаҳон тиббиётига беқиёс ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино томонидан инсониятга қолдирилган бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш" мавзусидаги танловлар ўтказилди. Мазкур лойихалар муваффақиятли яқунланди. Ушбу лойиха доирасида Фондимиз улуг аждоқимиз Абу Али ибн Сино таваллудини нишонлаш аъёнасини давом эттириб, юқорида қайд этилган Парламент комиссия лойихаси ва Ибн Сино фонди маблағларига аллома таваллудининг 1039 йиллигига бағишланган 2000 та плакат-календар, 3000 та буклет, 300 та DVD диск ва 10 та катта баннерлар нашр этилди. Ушбу нашриёт маҳсулотла-

ри юқорида айтиб ўтилган анжуман қатнашчилари, ва Ўзбекистон Ешлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига кейинчалик республиканинг барча ёшларига етказиш ва тақдимотлар ўтказиш мақсадида бепул тарқатилди. Лойиха доирасида Ўзбекистон миллий телерадиокомпания журналист ва мутахас-

сислари билан биргаликда махсус Абу Али ибн Синога бағишланган бир неча теле ва радио кўрсатувлар ташкиллаштирилди. Фонд илмий гуруҳи томонидан газета ва журналларда илмий ва оммабоп мақолалар чоп этилди, шунингдек, телеканалларда телекўрсатувлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу фаолиятлар табобат мактабини яратиб кетган буюк алломанинг бой меросини асрлар оша ўрганилишига хизмат қилади.

Суҳбатдош Ибодат СОАТОВА.

## Ислохот одимлари

## ФАОЛИЯТЛАРДА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ

**2019 йил поёнига етиб, 2020 йилга янги вазифа ва мақсадлар билан қадам қўйдик. Шу қисқа фурсатда орта назар ташларканмиз, кўплаб ибратли ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз.**

Жумладан, мамлакатимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика, патронаж ёрдами янада яхшилаш, тез ва шосилинч тиббий ёрдам ҳамда ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий

саломатлигини асраш йўлида олиб бораётган ишларига муносиб баҳо берди. Аҳамиятли жиҳати, жорий йилнинг ўзида Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан ҳамда Тиббиёт ходимлари куни арафасида жами **95 нафар тиббиёт ходимлари, шу жумладан, 21 нафар ҳамширалар давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотларига** сазовор бўлгани соҳа вакиллари-

буирак трансплантацияси, наркология каби йўналишларда) ташкил қилиниб, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлар сони **18 тага етди**. Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбарининг ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан олис ҳудудларни қамраб олиш борасидаги топшириқлари бўйича ҳудудларда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг **17 та филиаллари** ишга туширилди, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибида қарийб **6600 ўринга мўлжалланган 310 та ихтисослаштирилган бўлимлар** ташкил қилинди. Қувонарли жиҳати, **2019 йилнинг ўтган 10 ойи давомида ҳудудларда 1886 та жарроҳлик операциялари ўтказилди. Шундан 1050 таси юқори технологик операциялардир.** Виолетларда ҳам кардиохирургия хизмати ривожланиб, ўрта ҳудудда **10 та рентгенэндоваскуляр бўлимлари** фаолият кўрсатмоқда, **8 та виолетларда кардиохирургия операциялари ўтказилмоқда.** Шунингдек, ҳудудларда янги **174 та диагностика ва 264 та даволаш усуллари жорий этилди, телемедицина орқали 800 дан ошди онлайн консултациялар** ўтказилди.

Ҳозирги йилларда ҳомилдор аёллар ва чақалоқларни перинатал ҳамда неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳудудларимизда болалар даволаш муассасаларида олдинлари мавжуд бўлмаган неонатал хирургия, кардиохирургия, инвазив хирургия, қизлар гинекологияси каби кўплаб янги бўлимлар ташкил этилиб, энг қийин амалиётлар ўтказилмоқда. Қолаверса, юртимиз перинатал муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни баробарида мутахассисларимизнинг малакасини ошириш орқали энг ҳам ваазни, ҳатто 500 граммлик гўдакларни ҳам парвартиш ва реабилитация қилиш мумкинлигини амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар юртимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга, оналар ва гўдаклар ўлимини кескин камайишига сабаб бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида" қарорига қўра, "2019 - 2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомилдорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури"нинг қабул қилиниши соҳани ҳар томонлама янада ривожлантиришга замин яратди. Юқоридаги қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари учун туғруқни қабул қилиш тиббий фао-

лият тури билан шуғулланишга рухсат берилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, кўплаб давлатларнинг одам папиллома вирусига қарши вакцина амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш тажрибасини эътиборга олган ҳолда, жорий йилнинг октябрь ойидан бошлаб юртимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг кўллаб-қувватлаши натижасида бачадон бўйни саратони келтириб чиқарувчи ОПВга қарши вакцинани кўллаш йўлга қўйилди.

Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган соҳа – шосилинч ва "тез

ган тиббий хизматлар турлари 50 тадан қарийб 130 тагача кўпайди. Стоматология ва косметологиядан ташқари бошқа йўналишлардаги хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божжона тўловларини тўлашдан озод этилди. Қолаверса, хусусий клиникаларга қатор молиявий имтиёзлар берилди. Нати-



тиббиётни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги уч йил ичида соғлиқни сақлаш соҳасини ислохот этиш бўйича **180 га** яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, **2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси** ижросини босқичма-босқич таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқоридаги концепция асосида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар шубҳасиз тиббиёт ходимларининг фидойилиги самарасидир. Шу боис, соҳа вакиллари рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, жорий йил Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирида ҳам давлатимизнинг тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган улкан эътибори ва эҳтирмои намоён бўлди. Биринчи марта Президентимиз тиббиёт ходимларини самимий қутлади ва бир гуруҳ соҳа фидойилари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Ушбу эътирофлар сўнги уч йил давомида тиббиётга, шифокорларга қаратилаётган улкан эътиборнинг энг юксак чўққиси бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз. Президентимиз ўз табририда **"Биз сизларнинг тиббиётимизда халқ саломатлиги йўлида ўз ҳаловатидан кечиби, кунни тунга улаб, фидокорона меҳнат қилаётган шарафли касб эгаларини кўрамыз"**, дея шифокорларнинг эл

нинг шарафли ва масъулияти меҳнати давлатимиз ва халқимиз томонидан нечоғлик юксак эътироф этилаётганининг яққол исботидир.

Юксак эътиборнинг мантиқий давоми сифатида соҳани молиялаштириш ҳажми бир неча баробарга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, 2017 йилда соҳага 7,1 триллион, 2018 йилда 9,4 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2019 йилда эса ушбу кўрсаткич 12,1 триллион сўмни ташкил қилди. **2020 йилда эса 14,8 триллион сўм ажратилган** бўлди.

Бугун дунё тиббиётида олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, касалликларни даволашдан кўра, олдини олиш давлат учун ҳам, оила учун ҳам самаралидир. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, кейинги йилларда мамлакатимизда профилактик тиббиётни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Айни пайтда халқимизга бу йўналишда **1793 та амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 817 та қишлоқ врачлик пунктлари, 798 та қишлоқ оилавий поликлиникалар, 178 та шаҳар оилавий поликлиникалар** хизмат кўрсатаяпти.

Ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қўшимча саккизта республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (онкология ва радиология, нейрохирургия, травматология ва ортопедия, алергология, неврология ва инсульт, нефрология ва



ёрдам" хизматининг фаолияти ҳам кейинги йилларда янги босқичга кўтарилмоқда. Масалан, таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2016 йилда чақирқилар сони 7,2 миллионни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда – 8,7 миллион, 2018 йилда эса 9,8 миллионга етган. **Жорий йилнинг ўтган 10 ойи ичида эса мурожаатлар сони ўтказиб миллиондан ошган.** Кейинги йилларда тез ёрдамнинг махсус санитар автотранспорт паркни янгилади. Бугунги кунда тизимда икки ярим мингга яқин "Nissan", "Hyundai", "Toyota" русумли ва бошқа замонавий тез ёрдам машиналари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. **2019 йилда яна 150 та тиббий асбоб-ускуналар ва алоҳида воситалари билан тўлиқ жиҳозланган "Ford" русумидаги реанимобиллар** харид қилинди.

Юртимизда кейинги йилларда хусусий тиббиёт ривожини учун ҳам кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаёт-

жада бугунга келиб бу йўналишда фаолият юритаётган **шифохоналар сони 5300 дан ошди**. Мамлакатимизда Россия, АҚШ, Германия, Хиндистон, Туркия каби қатор хорижий давлатларнинг **100 дан ортиқ замонавий клиникаларни ташкил этилди.**

Жумладан, Термиз шаҳрида Туркиянинг "Kani-med" компанияси томонидан очилган замонавий лаборатория маркази ҳамда Бухоро шаҳрида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигидаги "Himchan" кўп тармокли хусусий клиникаси шулар жумласидан.

Қатор тиббиёт ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик муносабатлари ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Жумладан, яқинда пойтахтимиздаги Қозоғистон йили доирасида Қозоғистон тиббиёт кунлари ташкил этилди. Шунингдек, "Саломатлик ҳафталиги" доирасида соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида биринчи ўзбек-турк бизнес форуми ҳам ташкил этилди.

**Янгиланаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги тизимли ва улкан ислохотлар жадал кечмоқда. Бунинг учун англаган соҳа фидойиларининг саъй-ҳаракатлари давлатимиз томонидан кўллаб-қувватланмоқда, муносиб рағбатлантирилмоқда.**

**Барно ОДИЛОВА,**  
Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори.

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетаси жамоаси газетанинг масъул котиби Намоз Толиповга падари бузуқворуви  
**Эшонкул ТОЛИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)  
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг  
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома  
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1466 нусха.  
Буюртма Г-150.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Оффсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.